ТУРКИСТОНДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИДА

Валиева Нафиса Абдумажитовна
Наманган давлат педагогика институти катта ўқитувчиси
nafisavaliyeva1981@gmail.com
https://doi.org/10.5281/zenodo.7737446

Аннотация: Ушбу мақолада Туркистон минтақасида сиёсий ҳаёт, жумладан бошқарув тизимидаги камчиликлар, халқнинг аҳволи, зиёлиларнинг муносабати, уларнинг маънавий ҳаётга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишлари хусусида маълумот берилади.

Калит сўзлар: Мулкдор, уламолар, қозилар, акциядорлик жамиятлари, Туркистон генерал–губернаторлиги, «инородец» («бегона зот»), туземец («ерли аҳоли»).

СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ В ТУРКЕСТАНА В ЛИТЕРАТУРНОМ АНАЛИЗЕ

Валиева Нафиса Абдумажитовна,
старший преподаватель Наманганского
государственного педагогического института

Аннотация: В данной статье представлена информация о политической жизни Туркестанского края, в том числе о недостатках системы управления, состоянии народа, отношении интеллигенции, ее стремлении влиять на духовную жизнь.

Ключевые слова: Владелец, писцы, судьи, акционерные общества, Туркестанское генерал-губернаторство, «инородец» («иностранная порода»), туземец («землевладельческое население»).

MANAGEMENT SYSTEM IN TURKESTAN IN LITERATURE ANALYSIS

Valieva Nafisa Abdumajitovna
senior teacher of the Namangan
State Pedagogical Institute

Annotation: This article provides information about the political life of the Turkestan region, including the shortcomings of the management system, the state of the people, the attitude of the intelligentsia, its desire to influence the spiritual life.

Key words: Owner, scribes, judges, joint-stock companies, Turkestan Governor-Generalship, "foreigner" ("foreign breed"), native ("landowning population").

КИРИШ (ВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

1917 йилнинг февралидан то октябригача бўлган давр Туркистон халқларининг сиёсий уйғониши, ўлкада кўп асрлик ривожланиш тарихига эга бўлган миллий давлатчиликнинг анъанавий асосларини ҳисобга олган ҳолда республика, парламент бошқаруви шаклини ўрнатишга уриниш борасида якдил бўлган миллий сиёсий кучларнинг ташкилий жиҳатдан расмийлашувида муҳим босқич сифатида характерланади. 1917 йил октябри дан 1920 йил охиригача бўлган давр шу билан характерланадики, унда Туркистоннинг миллий-ватанпарвар зиёлилари ва кучлари совет ҳукумати томонидан декрет тарзида эълон қилинган халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини амалга оширишга киришади. Мазкур сиёсий ҳаракатлар «Туркистон Мухторияти»ни эълон қилиниши, мустақиллик ва озодлик учун қуролли курашни бошланиши билан намоён булди. Айнан шу йилларда чоризмнинг марказлаштириш ва руслаштириш ҳамда агрессив-шовинистик мақсадларйни ўзига мақсад қилиб олган совет мустамлакачилиги ўлкада мустаҳкам ўрнашиб олди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / LITERATURE REVIEW)

XIX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб чоризмнинг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсати Россия жамоатчилигининг фикр-эътиборини ўзига жалб қила бошлади. Мазкур муаммонинг турли жиҳатлари Туркистонда ва Россияда чиқадиган газета ва журналларда эълон қилинган ижтимоий-иқтисодий таҳлилий материалларда, мақола ва тақризларда фаол муҳокама қилина бошланди[1]. Мақолаларнинг мавзу қамрови анча кенг бўлиб, уларда ҳукумат доираларининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш, уларни мустамлакага айлантириш борасидаги чора-тадбирлари, у ёки бу сиёсий қийинчиликларни ҳал қилишнинг ҳарбий усуллари, Туркистон маъмуриятининг халқ оммаси норозиликларини зўравонлик билан бостириш сиёсати муҳокама қилинар, Россия давлатчилиги асосларини Туркистон жамиятига фаол жорий этишнинг туғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги юзасидан мунозаралар олиб бориларди. Туркистонда чоризм маъмуриятининг ишчанлиги ҳақида турли тахминлар айтилиб, амалдор-бюрократик аппарат томонидан амалга оширилаётган «культуртрегерлик» ва маърифий тадбирларнинг муваффақияти хусусида жиддий шубҳа билдирилган, бу аппаратнинг порахўрликка, зўравонликка асосланганлиги ва «янги колонияни рационал» эксплуатация қилиш га ноқобиллиги ҳақидаги фактлар кўплаб келтирилган. Чоризм Туркистонни “капиталисток усуллар” билан ўзлаштиришга имкон беришни истамасликда

очиқдан-очиқ айбланган. Туркистон маъмурларини танқид қилиш компанияси Туркистонни бошқаришга доир 1871 ва 1873 йиллардаги низом лойихалари ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим этилганидан кейин, ҳамда америкалик дипломат Е.Скайлернинг Ўрта Осиёга ташрифи (1873 йил мартдан ноябргача) тўғрисидаги ҳисоботи эълон қилинганидан сўнг айниқса қизғин тус олди. Дипломатнинг ҳисоботида Туркистондаги аҳвол[2], рус маъмурларининг Ўрта Осиёдаги хонликлар ва қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги масалалар шарҳи билан биргаликда, Туркистон маъмуриятининг «ишчан» сифатларини характерловчи материаллар ҳам берилган эди. Е.Скайлер рус маъмурияти сафларида катта ойликка эга булиш ва мўмай бойлик орттириш ниятида бўлган кишилар кўплигини алоҳида қайд этиб ўтади; Перовск, Авлиёота ва Қурама уездларида қайд этилган порахўрлик ва ғазна пулини ўғирлаш ҳолатлари ҳамда Хўжанд, Верний, Копал ва Перовскдаги маъмурларнинг бошбошдоқликларидан мисоллар келтиради. Скайлернинг фикрича, амалдорларнинг ноқонуний йиғимлари, бошбошдоқлиги, солиқ тизимининг тартибга солинмаганлиги маҳаллий аҳолининг кенг норозилигини келтириб чиқариши ва бу билан чоризмнинг минтақадаги ҳукмронлигига хавф туғдириши мумкин эди[3]. Туркистоннинг табиий ресурсларига ва уни бошқаришга қизиқиш кучайиши билан расмий йўналишларга бағишлаб эълон қилинган ишлар ҳам пайдо бўлди[4]. Бу ишларнинг бир қисми Ўрта Осиёни босиб олиш, бир қисми эса маъмурий ва мустамлака қурилиши масалаларига, Россиянинг минтақадаги мафкуравий, иқтисодий ва савдо-сотиқ имкониятларини кенгайтириш йўлларига, Россиянинг бу соҳалардаги гегемонлигини таъминлаш усулларига, мустамлакачиликнинг Россия моделини «такомиллаштириш» борасида муаллифларнинг тавсияларига бағишланган. Бироқ, бу ишларнинг барчасида чоризмнинг минтақада юритган босқинчилик сиёсатининг принципиал асосларига шубҳа билдирилмайди, аксинча, у чоризмнинг ташқи сиёсатдаги ютуқлари сифатида мадҳ этилади.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Ушбу фикр-мулоҳазаларга асос бўлган тарихий материаллар муаллифлар томонидан бир ёклама ва бузиб кўрсатилгани сабабли, уларнинг ишларига нисбатан танқидий ёндашувни талаб қилади. Манбаларга мурожаат этган ҳолда ушбу масалага ойдинлик киритайлик. Масалан, муаллифларнинг фикрича гўёки, рус маъмурлари Туркистонда маъмурий, молиявий, судлов ва бошқа хил «ислоҳотлар»ни амалга оширишда, энг аввало, хайрли мақсадларни: Туркистон халқларини «Европа тараққиёти» даражасига эриштириш, янги «фуқаролик жамияти»ни қуришни кўзлаган. Ўзаро урушлар, Ўрта Осиёдаги ҳокимларнинг зўравонлиги ва талон-тарожларидан чарчаган Туркистон халқлари гўёки ўзлари Россия тасарруфига ўтишга интилган, чоризм тузумига фақат маҳаллий хон, бек

ва руҳонийларнинг айрим вакилларигина қаршилик кўрсатган, деган ғоялар тарғиб қилинади.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)

Шундай қилиб, мустамлакачилик давридаги расмий адабиётлар самодержавиенинг Ўрта Осиё минтақасидаги манфаатларини ҳимоя қилиш , унинг ўлкани босиб олиш, мустамлакага айлантириш ва ўлкани бошқариш тизимини яратиш борасидаги барча тадбирларини оқлашдан иборат булган умумий мақсадли кўрсатма остида яратилди. Уларда биз тадқиқ қилаётган мавзунинг фақат айрим қирраларигина ўз аксини топган. Шунга қарамай тарихий нуқтаи назардан, кўплаб қимматли манбаларни умумлаштирган бу ишлар, шубҳасиз, эътиборга лойиқдир. XX асрнинг 20-30-йиллари бошларида тарихчилар янги совет тузуми шароитида Туркистон тарихидаги реал фактлар ва мураккаб воқеа-ҳодисаларни илмий англаб етиш борасида дастлабки уринишларни амалга оширган. Самодержавие ва унинг миллий минтақалардаги сиёсатига танқидий муносабат ўта долзарб бўлган бир даврда яратилган бу ишлар мунозарали булиб, эҳтирос билан ёзилганлиги яққол кўзга ташланади. «Халқлар турмаси»ни[5] бузиб, ўрнида «энг инсонпарвар, энг адолатли жамият» қуришга чин дилдан ишонган муаллифлар самодержавие давридаги «ёввойиларча эксплуатация», «қонли жазолар», талон-торож ва қирғинларнинг аянчли манзарасини чизадилар. Бунга мисол қилиб Г.Сафаров, Т.Рисқулов, А.Силонов, С.Муравейский, П.Г.Галузо ва бошқаларнинг 1917 йил февраль ва октябрь тарихига, октябрь воқеаларидан кейинги миллий-озодлик ҳаракати мавзусига бағишлаб ёзилган ишларини келтириш мумкин.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Бу тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарига бу даврда мафкуравий тазйиқлар нисбатан кам даражада бўлганлиги эътиборга лойиқдир. Худди шу даврда тадқиқ қилинаётган муаммога доир дастлабки концепция илгари сурилган бўлиб, у рус булмаган халқларнинг чор Россиясига қўшиб олиниши «мутлақ жаҳолатдир» деган мазмунга эга эди. Ушбу муаммо мазкур концепциянинг қатъий доирасида 30-йилларнинг ўрталарига қадар ёритиб келинди. Давлатчилик тарихи масалалари, мустамлакачилик тузумининг моҳияти ва асослари, уни совет тузуми билан алмаштириш шарт-шароитлари, Қўқондаги «Мухтор ҳукумат»нинг советларга қарши қўйилиши, Туркистонда мухториятнинг совет моделини жорий қлиш шартлари, унинг амалга оширилиши ва оқибатлари Г.Сафаров, П.Г.Галузо ва П.Алексеенковнинг асарларида ёритилади[6].

30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўрганилаётган даврга доир тарихшуносликда, бу фаннинг ялпи сиёсатлаштирилиши, “фош қилиш” ва ёрлиқлар ёпиштириш, «Покровский мактаби»га мансублик, троцкизм, буржуа

миллатчилигида айблаш тенденцияси етакчилик қилди. Марказ ва ВКП(б) Марказий Комитетининг талабларига мувофик;, Ўрта Осиё бюросининг 1934 йил 23 майдаги қарори билан Ўрта Осиё тарихшунослигида «буржуа-мустамлакачилик концепциясига барҳам бериш» тавсия қилинадики, бу мазмунан ва сифат жиҳатидан очиқ-ойдин мунозарали бўлган ишларнинг пайдо бўлишига олиб келади[7].

Адабиётлар рўйхати (использованная литература / references):

1. Петербургские ведомости», «Дело», «Русский мир», «Биржевые ведомости», «Новое время», «Голос», «Отечественные записки«», «Московские ведомости» ва бошқа кўплаб нашрлар.
2. Г.Л.Дмитриев. Депеша Е.Скайлера и проблемы среднеазиатской политики царизма 70-х гг. X IX в. Материалы по истории, историографии и а Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. Спб., 1868;
3. Костенко А.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. Спб, 1871
4. Археологии. Сб. науч. тр. №517. Т , 1976.
5. Григорьев В.В. Русская политика в отношении Средней Азии. Спб., 1874;
6. Иванов А. Русская колонизация в Туркестанском крае. Спб., 1890;
7. Абаза К.К. Завоевание Туркестана. Спб., 1902;
8. Кологривов Ю.В. Русские владения в Средней Азии. Спб., 1898.
9. Свет и тени колонизации. Спб., 1914;
10. Гессен В. О судебной власти. Сб. Судебная реформа. Т.1. М., 1915
11. www.ziyouz.com kutubxonasi